



СССР СОВЕТ У

Ўзбекистон Компартия
Ўзбекистон СССР Олий Совети ва

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

22 март 1973 йил

МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХУЖАЛИГИ МИНИСТРИ «ЎЗГЛАВВОДСТРОЙ» ХОДИМЛАРИ!

Янги ерлар ўзлаштиришни тезкорлик билан давом эт-
куйиш билан сугоришни яхшилаш, туПРОҚ унумдорлигини
рнинг, Капитал қурилиш ва пудрат ишлари топириқларини
ва болалар муассасалари биолари қурилишини кучайти

О Б-Х А Ё МАНБА

Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри С.

Ўтган йили капитал қурилиш ва қуўватларини
ишга тушириш планлари қандай бажарилди!

— Партия ва ҳукуматимизнинг ҳамхўрликларни
туфайли республикада сув ишоотлари қури-
лишига ҳар йили катта маблағ ажратилди. 1972
йилда министрилик буйича шу мақсад учун 297,65
миллион сўм капитал маблағ ажратилди. Шу жу-
младан қурилиш-монтаж ишларига 220,65 миллион
сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилди. Амалда эса
308,69 миллион сўм маблағ сарфланиб, бел-
ланган давлат плани 103,7 процент бажарилди. Қури-
лиш-монтаж ишларига эса 250,99 миллион сўм
мблағ кетди, бу соҳа бўйича, топириқларини
риб адо этилди.

Давлатимиз ажратган бу маблағини сарфлаш
билан 16 минг гектар янги ерни ўзлаштириб, киш-
лоқ хўжалик оборотиға киритишимиз керак эди.
Сув хўжалиги системаси ходимларининг фидо-
рона меҳнатлари туфайли бу топириқ 571 ге-
ктар ошириб бажарилди. Шунингдек, кўзда тутил-
ган 63.400 гектар ўрниға 69.833 гектар ернинг ме-
лиоратив ҳолати яхшиланди. Бу билан кишлоқ
хўжалик экинлари, хусусан пахта, маккажўхори
ҳосилдорлигини оширишға мустаҳкам замин я-
ратилди.

Ерларни текислаш борасида катта ишлар олиб
борилди. Белгиланган 7.800 гектар ўрниға салкам
12 минг гектар ер капитал ҳолатға келтирилиб
текисланди. Бу деҳқончилик маданиятини юксал-
тиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ерларни сув билан таъминлашға алоҳида аҳа-
мият берилмоқда, бу соҳадға топириқлар тўла
ва ошириб адо этилмоқда. Ўтган йили 47 минг
гектар экин майдонларини сув билан таъминлаш-
ни яхшилаш изарда тутилган эди. Амалда 53.320
гектар экинзорларни сув билан таъминлаш яхши-
ланиб, план 113,4 процент ўриланди.

Турар жой бинолари қурилиши тезкорлик билан
олиб борилди. Кўзда тутилган 76.850 квадрат метр
ўрниға 81.646 квадрат метр бинолар қурилиб,
фойдаланишға топирилди. Болалар боғчалари,
ясиллари қурилишда айниқса яхши кўрсаткич-
ларға эришилди. Бу билан аёлларни жа-
моат ишлари, хусусан кишлоқ хўжалик ишларига
кеңгроқ тортиш имконияти яратилди.

Министрилик буйича 1972 йилда бош план асоси-
да бажариладиган пудрат ишларига 196,2 миллион
сўм маблағ сарфланиб, белгиланган план 123,1
процент адо этилди.

Келтирилган рақамлардан давлатимиз янги ер-
лар ўзлаштириш, сугориш ишоотлари ва уй-жой
бинолари қуришға жуда катта капитал маблағ
ажратётгани кўриниб турибди. Биз бу маблағлар-
дан ишнинг кўзини билиб, оқилона фойдаланиш
чораларини қўймоқдамиз. Мақсадимиз тез фу-
рсадға маблағлар қайтишини уч-тўрт ҳисса орт-
ти билан ундириб олишдир. Ўтган йили янги ерларни
ўзлаштириш борсида қилинган ишлардан айби-
ларини мисолға келтирамиз. Қорақалпоғистон
АССРнинг Эчкиқалъа массивидан 2 минг гектар

ер ўзлаштирилиб,
қонлар ихтиёриға
тида қурилган. Да-
лиши муносабати
3 минг гектар ерни
тидди.

Бухоро областида янги ерлар ўзлаштириш бора-
сида диққатға сазовор ишлар қилинмоқда. Роми-
тан районининг Ҳазорбоғ массивидан минг гектар-
дан зиёд ерлар буйи бекор ётган ер ўзлаштири-
либ, деҳқончилик қилинмоқда. «Октябрь 50 й-
ли» совхози маъмурияти ва партия ташкилоти
янги ерларни ўзлаштиришға сарфланган маблағ-
ларни тезроқ ундириб олиш чораларини қўймоқ-
да. Совхоз меҳнат ахли бу йил қарийб 11 минг
тонна пахта етиштириш учун қурашмоқда. Шу-
нингдек, Жилон массивидан ҳам минг гектар ян-
ги ер очилди. Бундай мисолларни кўплаб келти-
риш мумкин.

1973 йилги режалар нимага қадар бажарилди! Шу-
лар ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

— Тўққизинчи беш йиллиқнинг ҳал қилувчи бос-
қичи — 1973 йилда министрилик ва унинг жойлар-
даги органлари олдига жуда катта вазифалар ту-
рибди. 450 миллион сўм капитал тарзда текислаш-
тиришимиз, шу жумладан 339,17 миллион сўм-
лик қурилиш-монтаж ишларини бажаришимиз
керак.

42 минг гектардан зиёд янги ерни фойдаланиш-
ға топирамиз, 89 экин минг гектар майдонини
мелиоратив ҳолатини яхшилашимиз, 33 минг гектар-
дан кўпроқ ерни капитал тарзда текислаш-
тиришимиз, 81 минг 300 гектар экинзорларни сув билан янада
яхшироқ таъминлаймиз.

Яйловлардаги сув ишоотларини реконструкция
қилиш чоралари қуриляпти. 300 минг гектар яй-
ловға сув чиқариш режалари белгиланди.

Уй-жой бинолари, болалар муассасалари қури-
лиши кучайтирилди. Умуман министрилик буйича
бош план асосида 339,17 миллион сўмлик пудрат
ишларини бажариш кўзда тутилмоқда. Биринчи
квартал капитал маблағларини ўзлаштириш топи-
риғи 103,43 процент бажарилди.

Мақалани мутахассис кадрлар тайёрлаш соҳа-
сида қандай ишлар олиб бориладиганини шарҳлаб
берсангиз.

— Бу соҳада ҳам анча ишлар қилинди ва қилин-
япти. 1971 йилда министрилик системасига 4,627
олий ва махсус урта маълумотли мутахассис ишга
келган бўлса, 1972 йилда бу рақам 4,963 таға етди.
Бу йил 5,928 бш мутахассиснинг сув хўжалик ор-
ганларига ишга келиши кутилмоқда. Биз бш му-
тахассисларни тарбиялаш, жой-жойига қўйиш ма-
қсадига алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Бугун Тошкентда ўтадиган сув хўжалиги таш-
килотларининг бш мутахассислари сўбтида беш йил-
лиқнинг учинчи йили топириқларини муддатдан
илгари бажариш чоралари ҳақида батафсил мас-
лаҳатлашиб оламиз.

си (перегеида) — 882 километр;
— орбитанинг оғиши — 81,2
градус;

— ер атрофини айланиб чиқиш
нинг дастлабки даври 102,6 минут.
Йўлдошға ўрнатилган метеоро-
логик аппаратлар бу юзларнинг
таъминини, ер қурагининг эри-
тилган ва еритилмаган томонлари-
даги ҳар қатламларнинг таъминини
олиб туришни, шунингдек ер
ва атмосфера қайтарбтган ва
уларда аҳо эллириётган ҳосил-
лик энергияси тўғрисидаги маълум-
отларни олишни таъминлайди.

«Метеор» йўлдошда метеороло-
гик аппаратлардан ташқари, йўл-
дошини ер томон доимий буриб ту-
ришни таъминлайдиган система,
қуёш батареяларини қуёш томон
муқарраб равишда буриб турати-
диган ва электр билан таъминлай-
диган система, орбита элементла-
рини аниқ ўлчаш учун хизмат қи-
ладиган радио система, асбоблар
ва илмий аппаратларнинг иш-
ти тўғрисидаги маълумотларни ерга
бериб туришни таъминлайдиган
радио телеметрич система бор.

Йўлдошға ўрнатилган аппарат-
лар нормал ишлаб турибди. Қор-
динациялаш-ҳисоблаш маркази
олинатган ахборотларни ишлаб
чиқаришда. Метеорологик ахборот-
ларни СССР гидрометцентраи на-
буз қилиб олиб, ишлаб чиқаришда
ва фойдаланишда.

Э К И Ш Қ И З Ё И Н

ТЕРМИЗ, («Совет Ўзбекистони»
мухбири). «Октябрь 40 йиллиги»
ноҳоти Термиз районидан бирин-
чи бўлиб маккажўхори экинига
киришди. Дон учун экинган мак-
кажўхори ҳосили йиғиштириб
олинган, тақдор маккажўхори эки-
либ, гектаридан 500 центнердан
сисловоб кўнпол олиш мўлжал-
ланмоқда.

рибдилар, натижада қардошлар-
нинг ерларига оқабган сув анча
кўпайди. Амударёнинг юқори
қисмидаги қўшни районлар Аму-
— Қорақум, Аму — Бухоро канал-
ларига олинатган сув миқдорини
камайтириб, олиқимматлик қўса-
тишди. Натижада дарёнинг қўни
оқимида сув бирмунча кўпайди.

Область хўжалиқларида сув-
дан тежаб-тергаб фойдаланиш
катъий назорат остиға олинган.
Бир томчи сувнинг ҳам бекорға
оқишига, ирсф бўлишиға йўл
қўймаслик қонда қилиб қўйилди.
Шўр ювишда ишлаётган сувчилар
меҳнати намунали ташкил қилин-
ган, мусобақа илорлари рағбат-
лантирилди.

Ф. ЗОХИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухби-
ри.

самолётлар масофа тўғрисида
тушунишни ўзгартириб юборди.
Ленин Тошкент билан Ленинград
ўртасида ҳаво кўприғи ўрнатил-
шдан анча бурун ана шу иш
шаҳар тўқимачилари бир-бирлари
ға меҳнат дўстлиғи кўпригини
қурган эдилар. Бу кўприк Ленин
градликлар учун оғир қамал ва-
тида дунёға келган.

Қамалда қолган шаҳардан
Тошкентта машина-усуналар
юборилди, бир гуруҳа мутахас-
сислар йўлга чиқди. Бу ҳақда
ўруш йилларида Ўзбекистон
пойтахтида ишлаган тўқимачи-
лардан бири қуйидагиларни со-
лайди:

— Вокзалға келиб тушдик.
Бизни қўтиб олишди, машина-
ларға ўтказиб, комбинатта олиб
кетишди. Эртаси, кунин уй-жой
акратиб берилди, ишға жой
лаштирилди. Шундан сўнг биз
ға мутлақо нотаниш бўлган ки-
шилар доимо кириб туришди.
Кийим-кечак, мебель олиб ки-
лишди, ёрдамға тайёр эканли-
ларини изҳор этишди.

Ленинград тўқимачилари
бошқа бир воқеани ҳам ёсдан
чиқарганлари йўқ. Душман бж-
балари ва снарядлари удариш
комбинати цехларида озмунча
жароҳат қолдириди. Ғалабадан
сўнг қорқонани тизлаш ишлари
бошланганди. Тошкент уларға
биринчилар қаторида ёрдамға
келди. «Красная нить» адресига
қардош республикадан қалава
ўрайдиган 12 та автомат, кўпчи-
на бошқа машиналар келди.

Сўнгра Ўзбек ҳамкасбларига
ёрдам қўратиш наъбати Ленин-
градликларға келди. Улар иш-
тириқда Тошкент тўқимачилик
комбинатининг ғалтак ип йиғи-
риш фабрикасидаги бир қатор
цехлар реконструкция қилинди,
ишда янги прогрессив усул жо-
рий этилди. Бу эса қалава сифа-
тини яхшилашға имкон берди.
Ултравушли усулнинг ишга
туширилиши илларнинг узули-
нанин кескин камайтириш имко-
ниятини яратди. Бу вақтда
ленинградликлар томонидан си-
наб қурилган қўнғина янгилик-
лар комбинатдан мустаҳкам
ўрин олди.

Ўзаро ёрдам социалистик му-
собеқа даражасига қўтарилди.
Даставвал, бу мусобақаға фаб-
рикалар коллективлари бир бу-
тун бўлиб қўшилишди. Сўнгра
эса мусобақа янада кенг қанот
ёйиб, турдош ишлаб-чиқариш
корхоналарини, алоҳида брига-
даларни ҳам қамраб олди.

«Техника тараққийти чўён-
ларини биргалашиб ағаллаши-
миз керак». Ҳар иккала корхо-
нада ҳам шундай деб ҳисоблай-
дилар ва шу принципта амал
қилдилар. Иккала коллектив
ўртасидаги чинакам дўстлик
аутоматларини ҳар қадамда му-
ратасиз, Ўзаро социалистик му-
собеқа шартномасини туздан
тошкентлик А. Халилов ва ле-
нинградлик П. Рудакова брига-

ришляпти. Жанубликлар сўзсиз
муваффақиятларға эришяётган
иш таҳлил қилиб келаянни «За-
ламонда. Келгуси кунға бирга-
ликда иштилош — мусобақардош
дўстларнинг янги меҳнат ғала-
балари гаровидир.

Дўстлик сабоғи, мусобақалар
сабоғи, Улар кўп. Шулардан
ибратли бир мисол келтирамиз.
Ўтган йили 30 декабрда «Крас-
ная нить» комбинати коллекти-
ви тежаб қилинган хом ашё би-
лан ишлади. Ленинградликлар
ини ана шу муваффақиятға олиб
борадиган йўл Тошкентдан,
аниқроғи, пахта даладаридан
бошланган эди. Ўзбек дўстлари
ленинградлик ҳамкасбларини
ана шу даладарға тақлиф этиш-
ганди. Меҳмонлар пахта етиш-
тириш қандай катта меҳнат та-
лаб қилишини ўз қўзлари билан
қўндай эдилар. Улар уйларига
қайтган, ана шу қимматли хом
ашёдан тежаб-тергаб фойдала-
нишининг яхши пропагандастла-
ри ва агитаторлари бўлиб қо-
лишди. Тежабкорлик учун
қураш комбинатда ҳаммамнинг
иши бўлиб қолди. Бу ерда бир
йил ичда 42 тонна хом ашё те-
жалди.

Иккала корхона дўстлиғи ва
мусобақаси айниқса кейинги
вақтда ишлаб чиқариш муаммо-
лари доирасидан ташқарига
чиқди. Ленинградликлар социал

январь ва февраль ойи топи-
риқларини бажарди. Ана шун-
дай давларда бир неча қасб эға-
си бўлган хотин-қиз ишчилар-
нинг роли планни бажариш учун
қурашда ҳал қилувчи аҳамиятга
эға эъланлиги билди. Коллек-
тив шу қушларда ҳам зўр фидо-
корлик билан меҳнат қилаётир.

Хўш, тошкентликларнинг иши
қандай борапти? Тошкент тўқимачилик
комбинатининг учинчи
йиғирув фабрикаси маҳсулот
ишлаб чиқариш ва реализация
қилишнинг январь ва февраль
ойлари планларини ошириб адо
этиди. Фабрика март ойида ҳам
суръатини сусайтиргани йўқ. Ка-
лава ва ип тайёрлаш юзасидан
топириқлар қунидан-қўнға ор-
тиги билан бажаришмоқда. Йил
бошидан буён пландан ташқари
10 тоннадан кўпроқ қалава таъ-
кинлар алмаштирилмоқда, қо-
зирғача 18 та янги тароқлаш
машиналари ўрнатилди. Бу маҳ-
сулот сифатини яхшилашға им-
кон берди. Тез кунда комби-
натта Ленинград тўқимачилари
келишлари керак. Коллектив
қадрон дўстларини кўтиб
олишға тайёрланмоқда.

Тошкентликлар билан ленин-
градликлар мингларча километр
олида туриб бир-бирларининг
меҳнатдаги бардам қало ўрши-
ни сезиб туришди ва янги,
юксак марраларға биргаликда
иштилошляпти.

Н. ГЛАДКОВ,
Ю. ЗАХАРОВ,
«Правда» мухбирлари. Тош-
кент — Ленинград.
(«ПРАВДА»нинг 1973 йил
20 март сонидан).

Инсон иродасининг қудрати,
деҳқон жасорати Амударё қир-
гоқларида сув учун олиб борила-
ётган қаттиқ кураш жараёнида
ана бир бор намоён бўлмоқда.
Гидромеханазаторлар кечаю-кун-
дуз вахтада туришбди, 30 дан
ортиқ сувузичи насос дарёнинг
тўбидан сувини тортиб олиб
каналларға оқияпти. Деҳқонлар
ҳар томчи сувнинг қадриға етиб,
шўр ювишини тезлатмоқдалар.

Ўтган йилнинг шу даврида Тўя-
мўйиндан секундига 450 куб-метр
сув ўтган бўлса, бу йил унинг
миқдори 260 куб-метрга тушиб
қолди. Республикалараро Тошсо-
қа каналда секундига атиги 153
куб метр сув оқаяпти. Туронги
Соқа, Урганчи орна, Октябрь
орна ва бошқа каналларда ҳам
сув кам. Айниқса Хоразм, облас-

СУВ ТАНҚИСЛИГИНИ ЕНГ И Б

тининг Хива, Қўшқўпир районла-
ри, Туркменистон ССР Тошсуз
области ва Қорақалпоғистон
АССР учун қўшимча қийинчилик-
лар юз берди.

Аммо, воҳа деҳқонлари сув-
нинг қўнайишини кўтиб қўл
қовуштириб ўтирмадилар. Техни-
кани, маъжуд имкониятларини иш-
ға солиб, дарёдаги маъжуд об-
ҳаётини даладарға тўла-тўқис оқи-
зиш чораларини қўрдилар. Қар-
дошлар бирлашиб, ўзанлар ва
каналларни чуқурлаштирилди.
Бу ишда ҳозир 51 землесос иш-

лаб турибди. Дарёға ўрнатилган
сузувчи насослар кечаси ҳам тўх-
товсиз ишлатилишмоқда.

Ғозовот, Шовот, Қиличбой ор-
на, Ермиш каналларидан Хоразм
области билан бир қаторда, Турк-
менистон ССР ва Қорақалпоғистон
АССРнинг районлари сув ича-
ди. Қардошларимиз сув танқис-
лиғи оқибатида шўр ювишда ор-
қада қолаётганлигини эътиборға
олиб, хоразмликлар маъжуд 1000
та пропеллер насоснинг ярмидан
кўпрогини вақтинча тўхтатиб ту-



Тошкент, Ўзбекистон ССР сув хўжалиги ташкилотларининг бш мутахассислари сўбтиға республиканинг
Фарғона, Сирдарё, Сурхондарё ва Хоразм областларидан келган бир гуруҳа ёшлар.

М. Глауберзон фотоси.



Республиканиннинг улкан ирригация гиганти—Тахиташ гидростан-
ларида дарёни тўсиш жараёнида амалға оширилётган ишларнинг умумий
Сейтмбетовлар тасвирланган.



қурилишда дарёни тўсиш ишлари ҳар қачонгидан қизиб кетди. Сурат
қўриниши ва илор бульдозерчилардан (чапдан) Иван Зайцев, Муродбек
Р. Саидов фотоси.



Урта Осиё табиий газ илмий-тадқиқот институтининг транспорт газ лабораторияси илмий ходимлари мураккаб газ қувири системаси ҳисобларини ишлаб чиқмоқдалар. Суратда: группа раҳбари, инженер Э. Т. Диммель Бухоро-Урал газ қувири учун ҳисобларини ишлаб чиқмоқда. И. Глауберзон фотоси.

Планетамизда

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **ЛОНДОН.** Британиянинг Шимолий Ирландиядаги оккупациячи қўшинлари тамомла жангга шай қилиб қўйилди. Неча минглаб солдатлар, неча юзлаб броневик ва бронетранспортерлар Белфаст, Дерри ва бошқа шаҳарларнинг ишчилар истиномат қиладиган районлари тоғларига тўпланди. Британия армиясининг қўмондонлиги консерваторлар ҳукуматининг Олстерга доир «Оқ китоби» чиқиши икитиб кучларини намойиш қилмоқда. Бу ҳужжатнинг мазмунини гарчи сир туттириб бўлса ҳам, маҳаллий кузатувчилар «Оқ китоб» Ирландияни парчаланган ҳолда қолдиришни ва Олстерни бирлашган қиролликнинг бир қисми сифатида сақлаб қоллишни тасдиқлашга шубҳа қилмайдилар.

◆ **ВАШИНГТОН.** Сенатор-демократ Г. Толмеж АҚШ ҳукумати ўз қўшинларини Ғарбий Европада олиб чиқиб кетсин, деб талаб қилди. У сенатда сузлаган нутқида Пентагоннинг ҳисоб-китобларига қараганда, Американинг Европадаги 300 минг солдат ва офицерини боқиб турувчи келгуси йилда 17 миллиард доллар, ёки шу йилдан 3 миллиард доллар кўпроқ маблағ сарф қилинади деди. «Биз, — деди сенатор, — бундан буён ана шундай катта харажатларга йўл қўймаймиш».

◆ **ЛОНДОН.** Англия парламентининг умуми салатасида консерваторлардан иборат кўпчилиги янги ҳарбий бюджетни маъқуллади. Бу бюджет бевосита ҳарбий харажатларига 523 миллион фунт стерлинг миқдорда оширишни кўзда tutади. 1973-74 молия йилида Англиянинг умумий ҳарбий харажатлари жуда ҳам ортиб, қарийб тўрт миллиард фунт стерлингга етади.

◆ **БОГОТА.** Колумбия конгресси вакиллари палатасининг таълифига биноан, СССР Олий Совети Миллатлар Совети, Раисининг уринбосари, Белоруссия ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи уринбосари В. Е. Лобанов делегацияга бошчилиги қилди.

Халқаро аэропортда делегацияни Колумбия конгресси вакиллари палатаси президентининг уринбосари Эрнандо Сегура, мамлакатдаги турли партияларга мансуб бўлган конгресс аъзолари кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида Совет Иттифонининг Колумбиядаги элчиси В. И. Андреев ҳам бор эди.

◆ **НЬЮ-ЙОРК.** Америка авиацияси, шу жумладан «В-52» стратегик бомбардировчи самолётлари 19 мартда Камбоджанинг овоз қилинган районларини яна қаттиқ бомбардиров қилди. АҚШнинг Тинч океан районидagi қиролли кучлари — қўмондонлиги вакили Гонолудан шу тўғрисида хабар берди. (ТАСС).



НОРВЕГИЯ. Денгиз захматкашлари йил ўн икки ой баъик овлашади. Улар овлаган баликлар мамлакатдан ташқарига, СССРга ҳам экспорт қилинади. Суратда: балик овласи. НТВ—ТАСС фотоси.

ЧАН ВАН ЧАНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ХАНОИ, 20 март. (ТАСС). Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг тўрт томонлама кушма ҳарбий комиссиядаги ҳарбий делегациясининг бошлиғи генерал Чан Ван Ча чет эл журналистлари учун Сайгонда матбуот конференцияси ўтказди.

У унинг нутқида Вьетнам халқи тинчликни интилаётганини таъкидлаб ўтди ва Сайгон маъмуриятининг харажатларини фойда қилди. Унинг уқтириб ўтганича, Сайгон маъмурияти Вьетнамда урушнинг тўхтатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисидаги битимни оқиниш ва системадаги таралла бўлишида, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати назорат қилиб турган территорияни боқиб олганда уринмоқда. ЖВР Муваққат революцион ҳукумати, деди Чан Ван Ча, яхши ният билан ва тинчликни сақлаб қоллишни истаб ваъминлиги қилмоқда, лекин бу ваъминлиқнинг ҳам чегараси бўлади, алабатта. Чан Ван Ча битимнинг бўзлаётганини учун бутун жамоабарлиги Сайгон маъмурияти биммасига юнади.

ФРЭНК КОНВЕРС ВА УНИНГ ШЕРИКЛАРИ

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

ригада оқ ташкилатини тугатиш сиёсати»га қарши кураша оладиган ташкилот тузишга қарор қилган эдилар. Ташкилотни икки суз — «кукус» ва «клан» билан атайилган бўлишди. Бу грекча сузларнинг «Асизлодалар давраси» маъносини ифодалашни бежиз эмас. Чунки ташкилот «бунсузма» негрлар» қарши ҳаётимот жалги ёлзон қилган жанубдаги бадавлат оқлар ва офицерларнинг тор доирасидан иборат эди.

Вутуги қандай кланга қанча киши аъзолигини айтиш қийин. Чунки ташкилот бошқилари ўз савлабларининг сонини қўлайлиқ билан, маълумлар уни мумкин қилар озор қилиб кўрсатишга уринишди. Вироқ бу ташкилот фаолияти тизим қандай эвайтган журналистлар 8500 кишини кукус-кланнинг аъзолиги ақсиллари сифатида тилга олмақдалар. Улар билан ҳамкорлик қиладиган 50 минг кишини ҳам юқоридаги рақамга қўшилиб керак Кукус-кланнинг 48 штатда 55 ташкилотлари бор. Уларнинг аниқ йирғи Миңгандалир, иккинчи ўринда Огайо, учинчи ўринда аса Техас штати туради. Кланнинг бошлиғи

Роберт Шелтоннинг айтишига қараганда, бу ташкилотнинг армияда ҳам аъзолари бор эмиш. Капиталистнинг дунёнинг кўпгина иқтисодий ташкилотлари сингари кукус-клан ҳам «халқаро майдон»га чиқишга уринмоқда. «Австралия, Англия ва Италияда ҳам бизнинг ташкилотларимиз бор, — деди Шелтон кукус-кланнинг бошқилари, — ҳали кукусиз, 1976 йилга бориб биз ўзининг калқаро ташкилотларини тузмиш. Унинг асосий мақсади коммунизмга қарши курашдан иборат бўлади».

Ҳа, кукус-кланнинг юз йилдан андироқ вақт ичиди асосий назифинс ўзгарди. Энди унинг найзабозлари «оқ ташкилат» қирқинчи софийлиги аъзои қолди учун кукус-кланга чеклаш қилинганлар. Улар ўз ташкилатлари билан айтганда, «Американи ағалашга уринишди» коммунизмга қарши курашнинг мақсад қилиб олганлар. Кланчилар орасида «урушнинг техникалар» бошлиғи Фрэнк Конверсининг оғиб катта. «Вуюн одам, — дейди у ҳанда 25 йилдан каллакасар Луис Вим. Унга қараганинда, — дея сузини давом эттиради Вьетнамда қўтқилиги билан ном чиқарган Вим, — ҳеч қийнамай бўйиннинг шарт узиб ташлаб оладиган киши эганини ҳис

қиласан. Жуда уздабурон, сузини ўткази оладиган йигит».

Луис Вимнинг ўзига келганда шунин айтиш кераки, Вьетнамдан қайтиб келгандан кейин у Шелтоннинг ўзида ҳам «коммунизмга қарши курашнинг давом эттиришти. Журналист Лейтнер таъкидлашга маъмурият бўлган кланчиларнинг бошқиларидан яна бири Жон Гриндел ҳам ўз алақидилигини билан каллакасар шерикларидан қолдирмади. Хьюстон яқиндаги Ле-вингстон бенони, қулай станциясининг қўнайини Жон Гриндел журналистнинг ўз қоралида кутиб олди. У аниқ оқиди бир қандай тавротни, иккинчи қўлида эса кукус-кланга қарши қўлай бўлган автомақ ушлаб турарди. «Биз Штатларга суқилиб киришга уринишган коммунистнинг рабага қарши курашмиш», деди Гриндел Лейтнерга. Канадаллик бу журналистнинг «Интернетиал гералд трибуни» газетасида бошланган репортажидан америкалик кланчилар айтишлари, рини куз-куз қилиб туришди.

Фрэнк Конверс аъёлини — Кушма Штатлардаги ўнг кучларнинг кулал каллакасар туғаларидан биттаси, холос. Бу туғалар мулоқот ердимида мамлакатдаги тарқатиларлар кучларнинг овозини ўчирмоқчи бўлишди. Қоғирги қандай бу туғаларнинг асосий юмуши — негрларнинг раҳбарларини ўлдирини, урушга қарши намойишларини, студент ва ёшлар харажати тэриятини юбориш «негрлар»ни калтаклаш бўлиб қолди.

А. ПРАВОС, (АПН).



Жўшқини ва уюмни меҳнат гаштидан завқланиб турган мана бу қиз — Насиба Собитова Тошкентдаги «Юлдуз» тикучилиги фирмасига ишга келганга уч йил бўляпти. У қисқа давр ичида илгор иш методларини ўрганиб смена топширинини мунтазам ошириб бажармоқда. А. Тўраев фотоси.

ФАН ЯНГИЛИКЛАРИ

АЖОЙИБ НАВЛАР

«ХАРЬКОВСКАЯ-93». Бугдойнинг бу янги нави В. Л. Юрьев номидаги Украина ўсимликлари, селекция ва генетика илмий-тадқиқот институтидан яратилди. Хосилдорлиги гектардан 23,6 центнерни ташкил этади. Шу йилдан бошлаб Харьков области ана шу янги нав бугдойни экади. «МИРОНОВСКАЯ-ЮБИЛЕЙНАЯ». Бу кузги бугдой Миронов селекция ва уруқчилиги илмий-тадқиқот институтини (Киев области) томонидан яратилди. Киев, Москва, Калуга, Белгород, Ростов ва Волгоград областлари ҳамда Ставрополь ўлкасига тарқатилди. 1971 йилда Қирғизистонда суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 100,3 центнердан ҳосил етиштирилди.

«КРАСНОДАРСКАЯ-39». Бу йил йўланима олди.

Краснодар ўлкасининг шарқий зонасига бугдойнинг ана шу янги нави экилади. Янги нав Краснодар қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтини олимлари томонидан яратилди. Хосилдорлиги гектардан 64 центнерга тенг келади. «ДНЕПРОПЕТРОВСКАЯ-521». Бугдойнинг ана шу янги навидан Днепропетровск, Олматта ва Жамбул областлари 1971 йилдан буён ҳосил етиштириб келади. Гектардан 98,3 центнердан галла хирмони кўтариш мумкин. Янги нав Днепропетровск қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтидан яратилган. Бундан ташқари «Саратовская-42», «Одесская-26», «Ростовская», «Аврора» нави бугдойнинг янги навлари яратилиб, ҳайтга йўланима олди.

Лейтнерни эрталаб соат учларда уйғотишди. Хьюстон шаҳарчасининг бир ченасида жойлашган меҳмонхона олдидаги автомобиллар тўхтайдиган ерда унинг кўчаларини боғлаб, машинага ўтиришни таъкидлаб ўтиб Лейтнер машинага гиниалаб ўтиб бораётган кўчаларни кўраётган бўлса-да, уни кўрага олиб кетишадиганини ахши биларди. Уни кукус-кланчилар Хьюстон аъёлисининг йигити — «клангла»га олиб кетишадиган эди.

Лейтнернинг қўлини позициячи ечиб қўйди. У «тартиб сарқовчи» ни бундай гайри-табиий формада сира кўрмаганди. Унинг бошига қийиб, олган қора қоли нурул гавдасига ўтириб турган позиция мундирига асло ярамасди. Позициячи Лейтнернинг қўнтакларини бирма-бир титилаб чиқди. У суратнашининг ёнида портатив магнитофон бўлса керак деб ҳавфсизланди. Унинг қўнтакларидан ҳеч нарсга топа олмагач, қўли билан «бошлайверинг» ишорасини қилди-да, «клангла» ишқирқчиларининг орасига уриб кетди. Лейтнер фотоаппаратини ишга солиб, йигитни суратга ола бошлади. Бундан бир неча ой бурун қанадаги журналист Лейтнер яшаб турган меҳмонхонага нотаниш бир киши келиб «ахшигина ишлаб қолгани» таъкидлаб эди. «Одамларга айтадиган гапимиза қўй, — деди қалғин киши, — кишилар бизнинг ташкилотимизнинг мақсад ва аъёли-фалларини билиб қўйишлари керак. Ҳа, клан аъёлари билан хоҳла, гапча суҳбатлашинингиз мумкин. Истасангиз, улар никибелз ҳам

суратга олишингизга ҳам қўйишадим». Лекин нотаниш киши битта шарт қўйди: «фақат кланга аъёо бўлган позициячиларнинг юзларидagi никибеларгина қолади. Улар хизмат қиладиган жойларда кўнгилсизликлар юз бориши мумкин». Шу кундан бошлаб Лейтнер ўз юзини бутун дунёга кўрсатиб қўйишга қарор қилган кланнинг реалма қила бошладим.

Кукус-кланнинг Фрэнк Конверс бошчилиги қиладиган Техас штати ташкилотини бошқа штатлардаги шунга ўхшаш ташкилотлардан фарқи қилди деб бўлмайди. Кукус-кланчилар бу ерда ҳам кукус-кланларнинг, сингариш, илмий-тадқиқотнинг ўқилиш бош қилишларини Конфедерация байроғи тақдирланган амблема билан беъаб юришадилар. Бу билан улар «бобо»лар аъёлини»га солиқ аналитикаларини билдиришмоқчи бўладилар. Кукус-кланчилар бундан юз йиллар бурун АҚШнинг жанубий штатларида пайдо бўлган ўз ташкилотларининг тарихини фарзандларига қайта-қайта сузлаб бериш икки кўрадилар. Кукус-кланнинг дастлабки гулжамлари 1865 йилда Теннесси штатида лавуллаган эди. Шундан енгилган жанубликлар армиясининг бир гуруҳ офицерлари «Аме-

Сирдарё районидagi «1 Май» колхозининг Маъмуржон Исроилев бошлиқ номсолол-ёшлар бригадаси аъзолари бу йил 107 гектар ерга юқори ҳосилли мақкажўхори экин, гектардан 550 центнердан қўнлоқ, 60 центнердан дан олиш учун бел беллашган. Суратда: бригада бошлиғи М. Исроилев ноҳаёз партия ташкилотининг секретари У. Сулҳов билан уруғининг кўздан кечиришайти.

Ф. Лутфуллаев фотоси.

БАҲОР НАФАСИ

1. (Ён дафтардаги эскизлар)

ШАМОЛ баҳор нафасини олиб келаяпти. У тупроқ қўндайди, ерга қўлоқ тутади, ер индирини эшитишга; юзидан сарқил табассум, бошини сарқ-сарқ қилганча жадал юради. Демак, ундирини, бунёд қилиш йўлидаги бедорлик кунлари бошланган.

Унинг ёши етмишдан ошган, лекин қадамини авайламайди: бардам, жадал босади—ер гурсиллайди.

Дарвоқе, таништирай, исм-шарифлари Сами бобо Жалил ўғли; қобиллар сардори. Муқим турар жойи — Кува, «Коммунизм» колхоз, собиқ Марказий Фарғона бўлинини «Найнаво» мавзуи. Қавс ичидан изох бериб ўтай: «Собиқ» сўзини Сами бобо қўшдириди: «Бу ерларда чўл сўзи эскирди «Собиқ» деб ёзиш, муллан.

Уч йил олдин ҳам ана шу ерда, шу шийпон дамида учрашган эдик. Ушанда етмишдаман, дегаданида ҳеч ишонгим келмаган эди. Ўтган йили ана шу ерда учрашдик, ана ўша палла, куз оқшоми. Ҳамма хурсанд: болалар бригадаси буғун кучкурун плавини бажарибди: бир кунда, бир теримнинг ўзиде.

Коронинг тушиб қолган бўлса ҳам, далада бир неча машинанинг гуруллаган овози келарди. Қўлоқ содиди. Сами бобо изох берди:

— Терлпти, азаматлар. Ҳали пунктига яна олиб борамиз.

Кечаси мўйсифидлар билан гурунлашиб, хийла ўтирдик...

Тонгда кўзини очсам, чоллар туриб кетишибди. Рўйрадаги эшикни уйда Сами бобо асанар эди. Оғида янги эшик. Эшикда оқ янтак, устидан одим. Бекасас тўн кийиб, бошида нуст нуска дўппи; шифтга бўй чўзиб, тўсига кистирилган туғичани олиб елди: қўнли бахмалга ўралган кутча; уни кўзига сўриб ўлди: кутчадан очиб ичидан «Октябрь Революцияси» орденининг олди-ди, тикилиб турди; унинг нуроний чехрасида олам-олам гурур ва севинч бор эди. Кейин кўксига тақиб олди.

— Муборак бўлсин, беҳабар эканман, қачон эди!

— Раҳмат, шу баҳорда беришди. Шунурки, бизни ниқилобчи ҳисоблаб...

— Ниқилобчи-да, Сами ота.

— Менинг фахримча, ниқилобчи катта киши, мулла,— деди у тожикча оқиб билан.— Агар-чи, Охунбобоевнинг соғинада бўлганимизни, босмакни кўнли кўнлимазми айтмас, биз кичкина одам, колхозчи-пахта экамиз.

— Ислохотда катташгансиз, — колхоз тузгансиз, Лениннинг васиятини бажаргансиз, Ленинга вориссиз...

— Майя бу гап! — туйқусдан хитоб қилди у.— Шу динига шу гапни айтман: бизлар Ленинга ворис! — деб такорлади у зўр фохр билан. — Энди бизга иқозат. Районга чакитрибди. У шаддам қадам ташлаб чиқиб кетди, мен ҳавас билан кетидан тикилиб қолдим.

Сами бобонинг бу ерга сардор бўлиш воқеасини юнүшта устиде кула-кула чоллар гапириб беришди:

Ғалатирок бир гап тарқалди: «Ленинизм» колхозда чоллар хуруж қилишди.

Безиллар елка қисқиди, безиллар гапнинг тағига етмоқчи бўлишди: нимага, кимга?

Қишлоқ эса тинч, ҳап гап бўлмаганде, аслида тубли ўзгаришга замин қўйилган, чоллар хуружини бошлаган эди.

Сами бобо қишлоққа камдан-кам келар, келганда эса, бирон ҳафта меҳмон бўлиб қайтиб кетар эди. Бу сафар қайтиб кетмади, тенгқур дўстлари билан гурун кўриб юрди.

Унинг бошқа вилоятга макон курганига қирқ йил бўлган эди. Ушанда Охунбобоевнинг ўзи келиб, бошқа фарғоналиклар катори Сами полвонини ҳам қўнчирла қилган, пахта устозин қилиб жулнатган эди. Қишлоққа бош йил мўқим келмай кетди, бу сафар келиб разм солиб қараса, колхоз чўкибди, ҳосилдорлик пассиви, даромадининг маъноси қочибди; колхозини тузишда, обёкка босиришда бевосита хизмат қилган дўстлари ишдан қўнчирларини тортиб кетишибди. Мўйсифидлар гурунлида гап кўпроқ шу қада борар: себбеларини ениқлаб, тақдир излашарди. Бир кун Сами ота идорага келиб, преленде раисига залварли гап қилди:

— Гап мундоқ, журу, — деди у ўзини зўра босиб. — Халойини тўплагин, айтгин: биродарлар, мен бу юкин кўтаролмадим, силарини дўст шийлолтомадим, тўплаган молларингизни сарфшайла олмадим, колхозини ўтиргизиб қўйдим, мени бушатинглар, денг. Ҳалол гап шу бўлади...

Хуруж Сами бобонинг кўнлига ана ўшанда қаттиқ ўришган эди. Лекин буни раис алмашув мажлисида эълон қилди, хуружкор аъзоларини ҳам:

Беш мўйсифид: — олди етмиш, кети олтиш етти ашда — Сами бобо Жалил ўғли (сардор); аъзолари: Давлат бобо Абдураҳмон ўғли, Акбар бобо Қосим ўғли, Мирзаалӣ бобо Мадалил ўғли, Қохи бобо Мамат ўғли, қишлоқнинг пахлавон тракторчиларидан бири, Қўшқор Қодиров — жамулам 6 киши. Хуруж — «Найнаво» даштга.

Уларда икки марта ерга сепилиб, ҳосили беш центнерга ҳам етмаган ердан 60 гектар ажратиб олишди. Пахтага атиб.

— Ваъда: қирқ центнердан! — деди Сами бобо товушини баланд кўтариб.

— Доруғ солмаганимиз маъқулдир... — деди Давлат бобо.

— Нимага! — деди Сами бобо жондйи тусде.

— Каттиқ доруғ солимак. Доруғ солимакни, кучинишга ишонмак. Бутун Кува эшитсин.

Боболар уч йил ичиде чўл ер ҳосилини эълиқ центнердан етказишди. Чўлдан қўн ер ўзлаштирдик. Колхоз қаддини яна ростлаб олди.

УРТА ОСИЕ республикаларини миллий чегаралаш вақтида Тошкентга Калинин келган эди. Халқ орасида бир гап юради: ушанда Калинин Охунбобоевдан сўраганимиз: янги республика иқтисодини тез юксалтириш учун биринчи нав-

«ФАУСТ» ЎЗБЕК ТИЛИДА

Гётенинг «Фауст» асари ўзбек тилида чоп қилинди. Ғафур Ғулом номи адибни ва адибни напирити ухат ишми Шайхон тавассути билан қисимли Эрикс Вохидов таржимасида босиб чикади. У «Фауст» таржимаси устиде олти йил меҳнат қилди.

Сирдарёнинг чап соҳилида Гитант посёласи қад кўтарган. Бу, Сирдарё районидаги йилги шийлонини «Сирдарё» совхозининг марказидир. Бу ерда ҳамма қўлайликлари бўлган типовой уйлар қурилган. Сирдарё қишлоқ Совети

иқроия комитети совхоз дикренцияси билан ҳамкорликда хутор системасини туғатиш мақсидан катта иш олиб бори-

Йўлдош ШАМШАРОВ.



ТАБИАТ ДУСТЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

21 мартда Тошкентда ўз ишнини бошлаган конференция-семинар Ўзбекистонда табиатни қўриқлаш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш масалаларига бағишланди. Конференцияда табиатни қўриқлаш республика ижтимоийнинг айтишлари, олимлари, «Вилми» ижтимоийнинг ленторлари, министрилар ва идораларнинг раҳбарлари, олий ўқув юрталари, техникумлар, мактабларнинг ўқитувчилари қатнашмоқдалар. Табиатни қўриқлаш республика ижтимоийнинг раиси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдуллин қисқача нутқ сўзлаб конференцияни очди.

Табиат дўстлари бир неча кун мобайнида кўпгина масалалар юзасидан 20 га яқин доқдаларни тингиллашлар ва муҳокама қилдилар. («ЗАТ».

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОН»ГА

ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ТАЛАБ ҚОНДИРИЛДИ

Бенобод районидан олинган катта «Октябрь» 50 йиллиги совхозининг ишчилари ҳаммом кўрилиши бошланганидан беҳад кўрсан бўлишган, ленин объектида иш тўхтатиб қўйилганининг сабабини тушунолмай қайро экинликларни қўриқтирилган. Катта кетиринган фант турри, қанчакан ҳаммом кўрилиши қанчакан ҳаммом кўрилиши ишлари тўхтатиб қўйилганининг сабабини тушунолмай қайро экинликларни қўриқтирилган. Катта кетиринган фант турри, қанчакан ҳаммом кўрилиши қанчакан ҳаммом кўрилиши ишлари тўхтатиб қўйилганининг сабабини тушунолмай қайро экинликларни қўриқтирилган.

ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ

Марҳамат район колхозлараро кўрилиш бошқармаси раҳбарлари ишга эътиборсизлиги билан қарашлиги, далаат мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш чораларини қўриқмапти. Айрим ҳаром хўрлар бундан фойдаланиб, далаат мулкнинг талон-тором қилмоқдалар.

Газетчилардан олинган ана шу мазмундаги хат тешириш ва чора кўриш учун Андижон область прокуратурасига юборилган. У ердан олинган жавобда бундай дейилди: тешириш ўтказилганда, қарам ходими Малла Маъмуровлар оғирдан 876 сўм 80 тинийлик қўрилиш материалларини ўғирлаганлигини аниқланди. Улар устиде олиб бориладан тергов туғалланди ва ишлари судга оширилди.

Социалистик қонунчилиги талабларига ҳилоф иш қилгани ва далаат мулкнинг дахлсизлигини таъминлагани учун бошқарма бошлиғи Нурматовга нисбатан ҳам тегишли партиявий ва маъмурий чора қўрилди. Марҳамат район партия комитетининг бюроси унга айовдор эълон қилди.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР МАКТАБИ

МЕҲНАТ ВА ШУҲРАТ

«Мосина» колхозини байроғида Ленин ордени порлаб турибди. Колхоз меҳнат аҳли беш йиллининг дастлабки йили йилда қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотлари етиштиришда катта ютуқларни қўлга киритди. Бу хўжаликда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, машҳур пахтакор Ҳамроқул Носиров роса 30 йилдан бун раислик қилиб келди. Қўнда сиз ана шу хўжалик меҳнатчиларининг илғор тажрибалари билан танишасиз.

КПСС XXIV съезди қарорларини оғишмай амалга ошира бориб, беш йиллик плавини муддатидан олдин бажаришга аҳд қилган меҳнатсевар колхозчи-деҳқонлар ўтган йили она-Ватанга 11 минг 238 тонна пахта, ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулотлари армуғон етдилар.

Хўжаликда чорвачилик ҳам асосий тармоқлардан бири ҳисобланади. Чорва тўёқ сонини қўнатириш, ем-хашан базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Қорамоллар сонини плавини 1285 ўрнига 1347 бош, парраларлар 4 минг 200 ўрнига 4 минг 700 бош, йилдирлар 185 ўрнига 201 бошга етказилди. Ҳуштар топириладиган қорамолларнинг тирик вази 400 килограмм, қўнларини — 49 килограммдан ортиди.

Бобоназар Хидиров бошлиқ ферма коллективни ақойиб меҳнат ютуқларини қўлга киритди. Улар ҳар беш центнердан 2500 ўрнига ўртача 3 минг 468 литрдан сарқаймоқ сут соғиб олдилар.

Ўтган юбейли йилда пахтачилик қасбини улуглаган машҳар бригадалар сонини олдинги йиллардагига қараганда анча қўнғайди. Айниқса Пулдош Эрматов бошлиқ бригада пахтакорлари рекорд қўраткичга еришдилар. Улар ҳосилдорлигини гектар бошига 45,5 центнерга етказишди. Ҳосилнинг қўнчилиқ қисми қудратли техника ёрдамида йиғиштириб олдинди.

Ҳалол меҳнат эвазига колхозчиларнинг турмуш маданияти юксалди. Пул даромади ошди. Плавда мулжалланган 4 миллион 564 минг сўм ўрнига 6 миллион 452 минг сўм даромад қилинди. Унинг 3 миллион 891 минг сўми колхозчиларга берилди. Колхозчининг 1 сўмига қўшмада 1 сўм 13 тинийдан бун бир иш кўнуга 10 сўмдан пул тақсимланди.

Хўжалик меҳнатчилари тўн қилишнинг беш йиллининг ҳақ қилишнинг ушунда эришилган ютуқларини янада мустаҳкамлаш режаларини белгиллаб олишди. — деб ҳилоқ қилди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Носиров. — Колхоз коммунистлар, комсомоллар ва барча меҳнатқашлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақани оммавий тус олдириш тўғрисидаги қарорини кенг ўрганиб, бу йил 3 минг 500 гектар ерга қитгини еришнинг оби-тобида, юксак агротехника муддатларида сифатли экин тадбирларини белгиллашди. Ҳар гектар майдондан олинган ҳосилини 31,5 центнерга етказишга қарор қилинди.

Ички имконият ва резервларини ҳисобга олган пахтакорлар бу йил она-Ватанга қамда 11

СОВЕТЛАР МАМАКАТИДА

ҒАЛАЗОРЛАР КЕНГАЙДИ

ОЛТОЙ. Бу ерда бошқоқ экинлар майдонини 200 минг гектар кенгайтирилди. Агрономларнинг тавсиясига биноан ўлжанинг бугдой экинлигидан майдонини 3,5 миллион гектар ерни эгаллашти. Арпа, сули ва мақкажўхори экинлигидан майдонлар ҳам қўнатирилди.

ЙИЛНИНГ БОШ МАВЗУИ

ДУШАНБА. Республика «Вилми» жамияти лекторларидан бир гурупаси Тожикистоннинг шаҳар ва районларида бўлиб қайтилар. Улар орасида олий ўқув юрталарининг олимлари ва ўқитувчилари бор эди. Лекторлар СССР Иттифоқи ташкил топан кўннинг 50 йиллиги материаллари юзасидан қатор лекциялар ўқидилар.

ЯНГИ ОБЛАСТЛАР

ОЛМАОТА. Қозогистон ССР Олий Совети, Президиумининг Фармонида мувофиқ Қозогистон ССР составида иккита янги область — Жезказған ва Мангишлоқ областлари тузилди.

ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

ТУЛА. Область меҳнатқашлари Бутунитифоқ коммунистик шайбаликка қизгин тайёргарлик қўрмоқдалар. Санат қорхоналари, қўрилиш, транспорт ташкилотларининг ва областдаги бошқа кўпгина маъсасаларининг коллективлари В. И. Ленин туғилган кўнни юқори меҳнат қўраткичлари билан нишонлашга қарор қилдилар.

Тула комбайнсозлари шайбалик кўнни нималар қилиш кераклиги тўғрисида аниқ программа белгиллаб қўйдилар. Улар 21 апрель кўнни ғалла ўриш қўнбайнлари ва қишлоқ хўжалик машиналари учун юз минг сўмлик эдтиёт қисмлар етказиб бериш мажбуриятини олдилар. (ТАСС).

ЧОРВА МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Чорва маҳсулдорлигини ошириш — унинг мустаҳкам ем-хашан базасини яхшилашга боғлиқдир. Шўни ҳисобга олган чорвадорлар 4 минг 800 тонна дағал хашак, шу жумладан, 4 минг 400 тонна беша пичани, 1200 тонна санаж таёйраш, 3 минг тонна силос босириш, 30 тонна витамини ун, 1060 тонна озуқа далавасини, 3 минг 100 тонна қўнға таёйрашга аҳд қилдилар. Чорвачилик мус таҳкам озуқа базаси бўлган безилдорларни 701 гектарга етказиб, шу жумладан бу йил 249 гектар ерга беда экин. 30 гектар майдондаги беда ни уруғлиги на қолдириш, 920 гектар майдонга силос ва дан учун мақкажўхори экин, бунинг учун алоҳида бригада ташкил этиш, экиндан бўшган 50 гектар майдонга тақорий мақкажўхори 30 гектар майдонга илди мевали ўсимлик экин шийлоштирилди. Ҳар гектар безилдорларда 75 центнердан, янги экинган безилдорларда 25 центнердан беда пичани таёйраш ҳар гектар мақкажўхорида 300 центнердан силос босириш 300 центнердан илди мевали ҳосил олиш учун қизгин ҳаракат бошланиб кетди.

Бундай юксак марраларга еришиш учун бригадалараро социалистик мусобақани қизгин тус олдириш. мусобақа шартларини доимо назорат қилиб бориш, уни ўз вақтида ақуналди илгорларини қўлма Қўнли Зайроқ, зимис қимматбахс Юзумроқ билан рабатлантириш, деҳқончилигининг барча соҳада ишлайдиган дала меҳнатчилари учун намунали маданият-машҳар хизмат қўратсин, маъмури ва доимий боғча-яшилларнинг мунтазам ишлаб туришини таъминлаш партия ташкилотининг алоҳида аяқат марказида бўлади. Колхоздаги «Гудаста» асасабонининг ишнини янада юнлаштириш, дала шийлонларига кутубхона хизматини яхшилаш, кино-концерт қўратилиш намунали ташкил этиш тадбирлари белгилланди.

Сирдарё область Қиззаҳ раи ондаги Ленин ордени «Мосина» колхозида зарбдор 3-йиллик плав ва мажбуриятларини муваффақиятли хал этиш қўнчилигини сонал ва итисотий ривожлантириш режаларига янада амалга оширилмоқда. Колхоз преленде ва партия ташкилотининг янги ва илгор таъаббусларини қувватлаш тарбиявий ва таъсирчан иш методларини сезириш билан қўнли янги улкан меҳнат зафарларини гаровига айланди. Меҳнат ва шўхрат эълоқига маъқал хўжалик мисолида яна бир бор намоён бўлмоқда.

Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ, «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

БЕДА ВА МАҚКАЖЎХОРИ ЭКИШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА

Республика областларида беда ва мақкажўхори экиннинг бориш тўғрисида шу йил 21 мартга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи сўт	Областлар	Иккинчи сўт	Бела экинган майдон (гектар, ҳисобиди)	Учинчи сўт	Тошириш нисбатан процент ҳисобиде, тўғрткин сўт — мақкажўхори экинган майдон (гектар ҳисобиди); бешинчи сўт — плавга нисбатан процент ҳисобиде.
Сирдарё	20486	83,6	3719	22,6	
Тошкент	10506	63,3	3409	15,7	
Сурхондарё	6921	60,1	1485	14,9	
Фарғона	8309	58,5	1773	7,6	
Андижон	6305	52,9	1013	11,1	
Қашқадарё	6700	48,5	627	5,2	
Самарқанд	7499	39,4	403	2,0	
Бухоро	4623	35,0	1067	6,3	
Наманган	7672	25,7	715	4,4	
Хоразм	765	15,3	—	—	
ҚҚ АССР	167	1,1	—	—	
Республика бўянча:	74953	48,3	14211	8,1	

ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ

қўнлаб замонавий бинолар қурилиши Меҳнат Қизил Байроқ ордени Нариманов номи колхоз посёласи қиёфасини тубдан қўнғайтирди. Ҳозир деярли барча хонадонлар табиий газ ва водопровод сувидан фойдаланмоқда. Ҳашаматли мактаб

биноси, клуб, боқча, меҳмонхона, магазин, ошхона ва чойхоналар, Бахт уйи... қишлоқ файзига қўнғайтирди. Нариманов посёласи Богот районидаги эмеас, Хоразм областидagi энг қўнма жойга айланди.

Р. АБДУЛАЗОВ.

